


ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

ADOLAT

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№48

(700)

2008 йил,
21 ноябрь, жумаЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ФАРМОНИFUQAROLARNING ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIDA
MUDDATLI QARBIY XIZMATNI UTAШ SHART-SHARITLARINI
TAKOMILLAШТИРИШ CHORA-TADBIRLARI TUG'RISSIDA

Кейинги йилларда мамлакатда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муқаддатли қарбий хизматни ўташ тизимини ислох қилиш бўйича миқёси ва теранлиги жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар амалга оширилди.

“Умумий қарбий мажбурият ва қарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ фуқароларнинг муқаддатли қарбий хизматни ўташ муқаддати ўн икки ой этиб белгиланган.

Фуқароларни танлов асосида муқаддатли қарбий хизматга олиш тизими яратилган, қақирув комиссияларининг ишида ошқоралиқни ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар тарқибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” ва “Маҳалла” жамоғармаларининг вакиллари киритилган.

Муқаддатли қарбий хизматни ўтаётган қарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Муқаддатли қарбий хизматдаги қарбий хизматчиларнинг лавозим маоши миқдорлари икки баравар қўпайтирилди, улар зақирага бўшатиладиган бериладиган нафақа миқдори энг кам иш ҳақининг ўн олти бараваригача оширилди. Ҳозирги вақтда мамлака-

тимиз олий ўқув юртлирида армиянинг мардлик ва матонат мактабини ўтаган ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича аъло натижаларга эришган 22 мингдан зиёд ёшлар таълим олмақда.

Фуқароларнинг муқаддатли қарбий хизматни ўташ тизимини тақомиллаштириш борасида қўрилган чора-тадбирлар Қуролли Кучларни қақирилувчилар билан тўдирлиш сифат жиҳатидан ақиллаш имконини берди, уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси жиддий равишда ошди, ақоли орасида қарбий хизматнинг обрў-эътибори тўдан ўзгарди.

Шу билан бирга, фуқароларни муқаддатли қарбий хизматга йилига икки марта (барҳорда ва кузда) қақирлишнинг асосан эскича, армияга қақирлишнинг совет тизимидан қолган одатига таянган мажбур амалиёти (ўшанда Қуролли Кучларда хизмат қилиш муқаддати 24 ой ва ундан қўпроқни ташкил этар эди) муқаддатли хизматни ўтаётган қарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар тайёргарлиги тизимида катта муаммоларни келтириб қақариб, уларнинг хизматни сифатли ўташига ва қарбий муваххасисликка ўқитиш бўйича замонавий мураккаб дастурларни тўлиқ ўзлаштириб олишларига имкон бермапти.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

2008 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Сенат Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенат Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялли мажлисини шу йил 4 декабрда Тошкент шаҳрида қақирлиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялли мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетни тўғрисида»ги қаро-

ри ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қуйдаги қонунларини киритиш режалаштирилмоқда: «Амнистия ақтини қўллаш тартибининг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг

қафолатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида», «Сўғурта фаолияти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Адвокатура институтининг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

19-20 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон “Адолат” Социал-демократик партияси депутатлар фракциясининг тақлифига қўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси И.Саифназаровни “Адолат” СДП депутатлар фракцияси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Жабборов “Амнистия ақтини қўллаш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Қонун лойиҳасининг бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар амнистияни суднинг иш юритишга қақар босқичда қўллаш тартибининг ва жиноий жазоларни ижро этишни процессуал тартибга солиш зарурлигига эътибор қақариб, қақар тақлифлар ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

(Давоми 2-бетда).

БУГУНГИ СОНДА ЎҚИНГ!

АДЛИЯ АРАЛАШГАЧ...
ақциядорлик тижорат “Пахтабанк”нинг Денов филиалида 14 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди

Бошқарманин “Ишонч телефони” мунтазам ишлаб турибди.

2-3

ФАРАЗ ЎЗ КУЧНИ
ЙЎҚОТДИ

Шу йилнинг ўрталарида бир баррель “қора олтин” 147 АҚШ долларига сотилган бўлса, ноябрь ойига келиб унинг қиймати 60 АҚШ долларидан ҳам пастга бақоланди.

3

ЁШЛАРИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ
ГАЛАБАСИ

Дунёнинг эллика ақин мамлакатидан 200 нафар курашчи катнашган биринчиликда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон тарма жамоаси голиблиқни қўлга киритди.



4

Фракция йиғилиши

МУҲИМ ҚОНУН ҲУҲЖАТЛАРИ

депутатлар томонидан қизгин муҳокама этилди ва уларни тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар билдирилди

Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Исмоил Саифназаров бошқарди.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилиш назарда тутилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

“Амнистия ақтини қўллаш тартибининг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, “Адолат”

СДП фракцияси аъзоси Ойша Охунова ақборот берди.

— Мазкур қонун лойиҳасининг қўриб қақиллиши мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ислохотларнинг узвий давомидир, — деди нотиқ. — Дарҳақикат, мазкур қонуннинг қабул қилиниши нафақат ижтимоий аҳамиятга эга, балки инсонпарварлик тамойилларининг ўзига хос қўриниши сифатида ҳам намоён бўлади.

“Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси нормаларининг қўлланилиши амалиёти ҳисобга олинган ҳолда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллашти-

риш мақсадида ишлаб қақилганлиги таъкидланди.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Ушбу масала юзасидан сўзга қаққан “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Худойёр Маматов қонун лойиҳаси ўтган ялли йиғилишда концептуал жиҳатдан маъқуллангани ва эндиликда иккинчи ўқишга тайёранлаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” ақциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қилинаётган ишларнинг узвий давоми бўлади.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ
МИКРОСАРМОЯЛАРИ

халқимиз фаровонлиги, турмушимиз тўқин-сочинлиги учун хизмат қилади

Таъкидлаш керакки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни, айниқса, ялли ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса ҳаётий зарур маҳсулотларни ишлаб қақаришни кенгайтиришга, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдирлишга, ақин пайтда ялли иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Шу босишдан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳар доим Ўртбошимизнинг диққат эътиборида бўлиб келади. Жумладан, 2005 йил 5 майда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини имтиёзли микросармоялашга иқтисослаштирилган ялли молия ташкилоти — “Микрокредитбанк” ақциядорлик тижорат банки ташкил этилган эди.

(Давоми 2-бетда).

Бошланғич партия ташкилоти нималарга қодир?

ОЛИМПИАДА СОВРИНЛАРИДАН ХОРИЖ ГРАНТИГАЧА

ёқуд “Адолат” СДП фаолларининг оддий қишлоқ мактабида олиб бораётган ишларини дунё тан олгани хусусида

Ҳа, бунинг сира муволагаси йўқ. Оддий қишлоқ мактабида таълимни замонавий услублар асосида ташкил этиш бўйича халқаро танловга тақдим этилган лойиҳани ўрганиб қаққан япон экспертлари ўзбек педагогларининг

изланувчанлиқларига тан беришди. Натижада Рустам Муродов раҳбарлик қилаётган Тайлоқ туманидаги 30-умумтаълим мактабига ялли лойиҳа ижроси учун қўнчиқар мамлакатнинг маҳсус гранти асосида салкам 100 минг

АҚШ долларни ақратилди.

Бизнес-лойиҳаниннг муаллифи ҳам, таълимни тақомиллаштириш бўйича қўнматли тақлифлар ташаббусқори ҳам директорнинг ўзи, ялли олий тоифали педагог — Рустам Муродов.

У ҳолда “Адолат” партиясининг иш-тироқи қаерда қолди? Партия фаоллари аслида нима иш билан машғул? деб сўрасангиз.

(Давоми 2-бетда).

✓ Муносабат

«МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ МИКРОСАРМОЯЛАРИ

халқимиз фаровонлиги, турмушимиз тўкин-сочинлиги учун хизмат қилади

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Ўтган қисқа давр мобайнида «Микрокредитбанк»нинг 78 та филиали, 272 та минибанки микросармоялаш билан биргаликда аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматларини кўрсатиб келди. Банк фаолият бошлаганидан буён кичик бизнес субъектларига кўрсатган микромолиявий хизматлар миқдори 107,7 миллиард сўмга етди.

«Микрокредитбанк» томонидан биргина жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик соҳасига 34,1 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда, бу кўрсаткич 154,3 фоизга ўсганини кузатиш мумкин. Шунингдек, хотин-қизларнинг тадбиркорликка жалб этиш мақсадида аёл тадбиркорларга 10,3 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди, 12 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Айниқса, янги ташкил этилган фермер хўжалиқларига кўрсатилган имтиёзли микролизинг хизматла-

ри уларнинг ўз техникаларига эга бўлиш имкониятларини яратмоқда. Соҳага ажратилган микрокредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳисобига 45 минг 118 та иш ўринлари ташкил этилди.

Аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, уларни меҳнатга жалб қилиш орқали даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида 3 минг 595 нафар кам таъминланган оилага 3,8 миллиард сўм миқдорда чорва моллари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Республикада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қўмаклашиш учун шу йилнинг ўзига 6 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилди. 2008 йилнинг ўтган 9 ойи давомида 6 минг 661 ёш оилага 11,2 миллиард сўмлик кредитлар берилди. Бу борада асосий савй-ҳаракатлар оилавий бизнесни йўлга қўйиш, доимий даромад манбаини яратиш учун олиб боришмоқда. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун 3 минг 610 нафар

ёш оила вакиллари 6,2 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар улашилди. Шунингдек, узок муддат фойдаланиладиган жиҳозлар харид қилиш, тўй маросимларини ўтказиш, биринчи фарзанд эҳтиёжлари учун 341 ёш оилага 4,7 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлари ажратилди.

«Ёшлар йили» давлат дастури ижроси юзасидан 1133 нафар коллеж битирувчиларига имтиёзли равишда ажратилган микрокредитлар миқдори 1,1 миллиард сўмни ташкил этди. Хуллас, «Микрокредитбанк» аҳолининг турли қатламлари билан иш олиб бориб, ҳар бир фермердан то кичик корхонага қўмлашган кўламадаги яратувчилик фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар билан ҳамкорлик қилмоқда, яъни тадбиркорлиги оилавий бизнесни амалга ошираётган хонадонларга ўз молиявий маддаларини бериб келмоқда. Банкнинг бундай ҳамкорлиги юртимиз ободлиги ва бевосита оилаларини фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

Микромолиялаш ташкилотимизнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қув-

ватлашини янада кенгайтириш борасидаги Президентимизнинг мазкур фармони, аввало, республикада тадбиркорлиқни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратар экан, «Микрокредитбанк» зиммасига ҳам жуда катта вазифалар юклайди. Банкнинг мақсади микросармоялар беришга эътиборни кўпроқ қаратади. Кичик бизнес субъектларига фаолиятларини кенгайтириш учун қайта ишланадиган хомашё ва материаллар олиб беради. Дикқат эътибор ички бозорни тайёр маҳсулотлар билан тўлдириб, халқ эҳтиёжларини қондиришга, ҳар бир оилага доимий ва ишончли даромад манбалари ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратади.

Ёшларнинг тадбиркорлик борасида амалга ошираётган яратувчилик ишларини, ишлаб чиқаришга қўмлашган кўламада олиб боришдан иборат. Демак, кичик бизнесга қўмаклашишга ихтисослаштирилган банкнинг таъбир жоиз бўлса, келгусида тадбиркорлиқнинг иқтисодий мактабига ҳам айланади.

Фармонда тадбиркорлар учун қўлайликлар билан биргаликда катта имтиёзлар ҳам берилган. Масалан, фермер-



MIKROKREDITBANK

дим этилган лойиҳа», «Энг ёш тадбиркор аёл томонидан тақдим этилган лойиҳа», «Миллий хунармандчилик йўналишидаги энг яхши лойиҳа» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Галдаги вазифа — фақатгина сармоялар билан таъминлаш эмас, балки тадбиркорлик ва яратувчилик ишлари сир-асрорларини тадбиркорларга ўргатиш учун ўтказилаётган тематик семинарларни, ишлаб чиқариш товарлар кўргазмаларини, реклама ва таъриба алмашиш тадбирларини ҳам кенг қўламада олиб боришдан иборат. Демак, кичик бизнесга қўмаклашишга ихтисослаштирилган банкнинг таъбир жоиз бўлса, келгусида тадбиркорлиқнинг иқтисодий мактабига ҳам айланади.

Шукурullo УМУРОВ, «Микрокредитбанк» АТБ бошқаруви раисининг ўринбосари.


ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хорижий инвестицияларни янада кенгроқ жалб этиш борасидаги ишлар мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Тадбиркор Ақромжон Сатторов раҳбарлик қилаётган корхонада замонавий технология асосида пенопластдан қурилиш, кишлоқ хўжа-

лиги, савдо ва қандолатчилик учун зарур асбоб-қўруқлар ишлаб чиқаришмоқда.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида 24 милли-



он сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, — дейди корхона раҳбари А.Сатторов. — Турли қалинликдаги пенопласт листлар, қишда совуқдан, ёзда иссиқдан

сакловчи девор ва том ёпқичлари, пол тўшамалари, хоналар шифтини беэза учун қоплама ва карнизлар, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун пластмасса қўтилар, музқаймоқ ва тортлар учун контейнерлар ишлаб чиқаришмоқда.

Корхона республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида 20 турга яқин маҳсулот билан қатнашиб, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Совеластитал», «Ройсон», «Фотон», «Водий ширинликлари», «Суперголд» каби корхоналар билан 500 миллион сўмлик шартнома имзолашга муваффақ бўлди.

Корхонада ҳозир йигирма киши меҳнат қилаётди. Тез орада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига яна шунча янги иш ўрни яратилади.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳа; ишчи О.Муҳибуллоев.



X. МАМАДАЛИЕВ (ўзА) олган суратлар.

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ХОМИЙЛИККА ЧОРЛАДИ

Бугунги кунда мазкур кишлоқда истиқомат қилаётган 270 та оиладан 1861 нафар кишининг меҳнатга лаёқатли барча аъзолари иш билан таъминланди. Корхона маблаг қўмағида қад кўтарган 576 ўринли 6 та ётоқхона, 5 та кичик оилалар уйлари, 8 та 18 хонадонли турар жой бинолари, 320 ўқувчиға мўлжалланган умумтаълим мактаби, 96 ўринли болалар босчаси, маданият саройи, даволаш профилактика маркази, замонавий дўкон, новойхона, ҳаммом сингари ижтимоий соҳа объектлари кўрғон аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Элпарвар меҳнат жамоасининг ибратли ишларидан яна бири — аҳолига хомийлик кўрсатишда ёрқин намоён бўлмоқда. Ўтган йили айни шу йўлда кўрғондаги 52-умумтаълим мактабига 600 минг сўм, «Нуроний» жамғармасига 700 минг, республика реабилитация марказига 500 минг сўм миқдорда хомийлик ёрдами кўрсатилган бўлса, бу йил Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги қошидаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 30 миллион сўмлик, «Қарат» федерациясига 2 миллион, «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақасини ўтказиш жараёнида 10 миллион сўмлик маблаг ўтказилди. Яқинда умумтаълим мактаби бинолари ва спорт зали таъмирига қурилиш материаллари олиш учун яна 450 минг сўмлик ёрдам пули ажратилди. Шунингдек, 28 та ёш оилалар янги уй-жойлар билан таъминланди ва 96 нафар ёш мутахассисларга яшаш манзиллари берилди.

Буларгина эмас, сода заводи меҳнат жамоаси куч-гайрати билан кўрғонда бугунгача тикланган барча объектларга 4,6 километр узунликда газ, 6,5 километр масофага тенг тоза ичимлик суви тармоқлари тортилди. 5,3 километр узунликдаги ички йўллар сифатли таъмирланиб, асфальт ётқизилди, қўллаб-ирригация тармоқлари қурилиб, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш юмушлари бажарилди.

Бир сўз билан айтганда, Элбоднинг элпарвар меҳнат жамоаси — Кўнгирот сода заводи аҳлининг аҳоли турмуши фаровонлиги йўлида амалга ошаётган ибратли ишлари мактовга молик бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Шундан сўнг, Ш.Худойқулов адлия бошқармасининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилди. Адлия бошқармаси томонидан бу масала юзасидан банк раҳбариятига таалабнома киритилгандан сўнггина фуқарога 1 миллион 200 минг сўм имтиёзли кредит ажратилди.

— Аҳолининг кам таъминланган қатламлари манфаатларини ҳимоялаш ҳақида гапирганда, ижти-

лиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан 2 та, пенсионер ва ногиронларга протез-ортопедия ҳамда санаторияга йўлланмалар беришда 71 та, пенсия ва нафақалар тайинлаш ва тўлашда 8 та қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилди. Термиз шаҳар 4-кичи даҳа, 8-уйда яшовчи фуқаро Х.Назаровнинг ёшга доир пенсияси адлия бош-

лар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш масаласига жиддий эътибор берилмаётгани фуқароларнинг сарсон-саргардонлигига сабаб бўлмоқда. Масалан, Жарқўрғон тумани «Авлод» маҳалласида яшовчи фуқаро А.Бобоев вилоят адлия бошқармасига шикоят билан мурожаат қилиб, унда «Жарқўрғон пахта» ОТХЖда бир неча йиллардан буён меҳнат қилиб келаётганлиги, бугунги кун-

лигида бошқармага инсон ҳуқуқлари бузилишига оид 165 та мурожаат келиб тушди. Шундан 116 таси мазмунан қўриб чиқилиб, 43 таси ижобий ҳал этилди.

Бошқарманинг «Ишонч телефони» мунтазам ишлаб турибди. Ўтган даврда 14 та инсон ҳуқуқларининг бузилишига оид мурожаат қилибди. Ўрганиб чиқилган мурожаатларнинг 10 таси қаноатлантирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ариза ва шикоятларнинг келиб тушиши таҳлил этилиб, энг кўп мурожаатлар келиб тушган туманларда бевосита фуқаролар билан учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Денов, Шўрчи, Кумқўрғон, Шеробод туманлари ва Термиз шаҳар ҳокимликларига фуқароларнинг мурожаатларини бевосита ҳал этиш чора-тадбирларини қўриш юзасидан 5 та ёзма кўрсатма киритилди. Олиб борилаётган бундай ишларимиздан аҳоли вакиллари мамнун бўлаётганини бизга тўлаётган мурожаатлардан ҳам билса бўлади. Бу эса ўз навбатида зиммасизга янада кўпроқ масъулият юклайди.

Сўхбатдош: Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ, «Адолат» мухбири.

АРАЛАШГАЧ...

акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Денов филиалида 14 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди

мой таъминот идоралари фаолияти муҳим рол ўйнайди. Айтинчи, аҳолининг пенсия ва бошқа нафақалар билан таъминлаш ҳақида ижтимоий таъминот идоралари қандай фаолият кўрсатаётган?

— Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонун ҳамда пенсия, нафақалар тайинлашнинг тартибига қўйилган бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан ижтимоий таъминот идоралари фаолияти ўрганиб чиқилди. Унда бир қатор қонунбузи-

қармаси аралашган, ижобий ҳал қилинди.

— Жойларда ишчи-хизматчиларга иш ҳақларининг ўз вақтида берилиши муҳим аҳамият касб этади. Корхона, ташкилот ва муассасаларда бу масалага қандай ёндашилапти?

— Меҳнат Кодексида ҳамда ҳукуматимизнинг бир қатор қарорларида меҳнат учун ҳодимларга ҳақ тўлаш тартиблари белгиланган. Умумий асосларда ҳодимга ҳақ тўлаш бир ойдан кечиктирилмаслиги лозим. Аммо айрим масъулиятсиз раҳбар-

да жамият томонидан унинг бир неча ойлик иш ҳақи ўз вақтида берилмаётганлиги билдирилган. Ушбу шикоят ўрганиб чиқилганда, ўз исботини топди ҳамда суд орқали фуқаро А.Бобоевнинг фойдасига «Жарқўрғон пахта» ОТХЖдан 104 минг 812 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш тартиби қаттиқ назоратга олинган. Жумладан, 2008 йилнинг биринчи ярим йил-



50 МИНГ НАФАР ХОДИМ ИШСИЗ ҚОЛАДИ



Айтиш жоизки, «Citigroup» шу йилнинг учинчи чорағида 2,8 миллиард АҚШ доллари миқдорда зарар кўрган.

«Citigroup» молиявий компанияси ходимлари сонини 50 минг нафарга қисқартириш мақсади борлигини билдириди.

Бу ҳақда «Франс пресс» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Унда айтилишича, ташкилот шу йўл билан 50-52 миллиард АҚШ доллари миқдорда маблағни тежайди. Жорий йил бошидаги ҳисоботга кўра, «Citigroup»да жами 374 минг киши меҳнат фаолиятини юритарди. Йил якунигача эса, ходимлар сони 300 минг нафарни ташкил этиши компания томонидан белгиланди.


МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Дунёда энг кўп аҳолига эга давлатлардан бири — Хиндистон айни дамда иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолди.

«The Guardian» газетасининг ёзишича, мазкур қийинчилиқни бартараф этиш мақсадида Буюк Британия ҳукумати Хиндистонга 825 миллион фунт стерлинг (1,2 миллиард АҚШ доллари) миқдорда моддий ёрдам кўрсатади.

— Бугунги кунда Хиндистонда 828 миллион киши қийин шароитда ҳаёт кечирмоқда, — дейди Буюк Британия Халқаро тараққиёт вазири Дуглас Александер. — Бу маблаг аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

ФАРАЗ ЎЗ КУЧЕНИ ИЎҚОТДИ



Жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инкироз туфайли жорий йилда нефтга талаб анча қамайган. Бу ҳақда «AFP» нефть экспорт қилувчи давлат ташкилоти (ОПЕК) маълумоти асосида хабар тарқатди.

Унда келтирилишича, йил бошида нефтга эҳтиёж кунига 590 минг баррелгача ошиши тахмин қилинган. Бироқ, ушбу фараз амалда ўзини оқламади. Бойси ҳозирда бу кўрсаткич 290 минг баррелни ташкил этаётган.

Айтиш жоизки, иқтисодий бекарорлик нефть нархининг кескин тушиб кетишига ҳам сабаб бўлди. Шу йилнинг ўрталарида бир баррель «қора олтин» 147 АҚШ долларига сотилган бўлса, ноябрь ойига келиб унинг қиймати 60 АҚШ долларидан ҳам пастга баҳоланди.

АҲОЛИНИНГ 92 ФОИЗИ СОҒЛОМ

АҚШда аҳолининг саломатлик кўрсаткичи даражаси таҳлил этилди.

«Ассошиэтед пресс» ахборот агентлиги хабарига кўра, Шаркий Виржиния штатидаги Хантингтон шаҳрининг 22 фойз аҳолиси юрак хасталигига чалинган экан. Ун уч фойз инсонлар эса қандли диабет касаллигига йўлиққан. Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 50-йилларида шаҳар аҳолиси 90 минг кишини ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 50 минг нафарга тушиб қолган.

Эътиборлиси, мамлакатдаги «Энг соғлом шаҳар» сифатида Вермонт штатидаги Берлингтон шаҳри эътироф этилди. Шаҳарнинг 92 фойз аҳолиси соғлиғидан деярли шикоят қилмайди.

35 ТА АВТОМАШИНА ШИКАСТЛАНДИ

Кеча Япониянинг Хоккайдо музофотида йирик йўл транспорт ҳодисаси рўй берди.

«Рейтер» ахборот агентлиги хабарига кўра, автоҳалокат натижасида 35 та машина шикастланди. Йўловчилардан бир нечтаси жароҳатланди.

Ҳозирда полиция воқеанинг келиб чиқиш сабабларини ўрганмоқда.

ҲАЙКАЛЛАР ВА ОЧЛИК

Эстония парламентида собиқ совет даври рамазларини нацистларникига тенглаштириш ва шу боис уни қўллашни маън эътибор қонун лойиҳаси тайёрланди.

Ушбу ҳужжатга асосан, башарти у қабул қилинса, уруш қаҳрамонлари шарафига ўрнатилган ҳайкалларни ҳам олиб ташлаш керак бўлади.

Дарвоқе, Украина олий Радаси эса, ўтган асрнинг 30 йилларида рўй берган очарчиликни собиқ иттифок раҳбарияти томонидан украин миллатига қарши ўтказилган геноцид, деб тан олувчи қонунни қабул қилди.

✓ Ўзбек кураши

ЁШЛАРИМИЗНИНГ
ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўзбек кураши бўйича ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионати низоҳасига етди.

Дунёнинг эллика яқин мамлакатидан 200 нафар курашчи катнашган биринчиликда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Спортчиларимиз 3 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Мазкур чемпионатнинг нуфузини оширган яна бир жиҳат шундаки, унда яқиндагина Халқаро Кураш Ассоциациясига қабул қилинган АҚШ, Германия ва Ливия дав-

латлари спортчилари илк бор катнашдилар. Мазкур давлатдан келган спортчилар ўзбек курашининг ҳалоллигига тан беришганини ва бу спорт турини ёқтириб қолишганини ҳамда келгусида бундай мусобақаларда баҳонидил катнашишларини яширишмади. Ушбу чемпионатнинг ғолиблик шохсупасидан шунингдек, Туркия, Монголия, Янги Зеландия, Грузия, Исроил, ЖАР ҳамда Арманистон спортчилари ҳам жой олишди.

Х. ТУРОН,
“Адолат” мухбири.

✓ Маданият хабарлари

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жағғармаси хомийлигида Швейцария элчихонаси қошидаги ҳамкорлик бюроси ҳамда “Ўзбек-кино” Миллий агентлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳрида Миллий кино фестивали ўз ишини бошлади. Ушбу тадбир доирасида “КиноВиза” Марказий Осиё визуал антропология форуми ҳам ташкил қилинади.

Ана шу тадбирга бағишланган матбуот анжуманида Ўзбекистон Миллий кино фестивалига сўнгги икки йил ичида мамлакатимиз киноматографиячилари томонидан турли студияларда тасвирга туширилган хилма-хил жанрдаги 68 та фильм саралаб олингани таъкидланди. Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ҳамда Россиянинг танқиди

МИЛЛИЙ КИНО
ФЕСТИВАЛИ

кино санъати намоёндаларидан иборат халқаро ҳакамлар ҳайъати етти йўналиш бўйича энг маҳоратли киносилари аниқлаб берилади.

“КиноВиза” Марказий Осиё визуал антропология форумида эса юқорида номлари санаб ўтилган мамлакатлар киносиларининг ҳам энг яхши асарлари намойиш этилади. Шунингдек, фильмлар муаллифларининг давра суҳбатлари, маҳорат дарслари ва матбуот анжуманлари ташкил қилинади.

Фестивалнинг аҳамияти шундаки, етук мутахассислар билан биргалик-

да кино санъатининг нозик жиҳатларини топиш ва уларни юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан қўзланган мақсад – ўзбек киноматография мактаби ижодий аъёнларини сақлаш ва ривожлантириш, мазкур соҳанинг малакали ёш кадрларини қўллаб-қувватлашдир. Айни пайтда кино воситаси орқали навиқрон авлодни умумбашарий кадр-қиммат, инсонийлик аъёнлари асосида тарбиялаб вояга етказиш энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Кино фестивали 23 ноябрдаги давом этади.

СУКУНАТ ҲАЙРАТИ

Ўзбекистон кўргазмалар залида халқ рассоми Баҳодир Жалоловнинг олтинчи ёшга тўлиши ҳамда ижодий фаолиятига қирқ йил бўлганлиги муносабати билан “Сукунат шохиди ҳайрати” деб номланган сара асарлари намойиши бўлиб ўтди. Маросимда юртимизнинг танқиди рассомлари, ижодкорлар, мусаввирнинг яқинлари ҳамда санъатсавар мухлислар иштирок этишди.

Баҳодир Жалоловнинг ижоди ўзига хос бўлиб, қўндалик ҳаётимиз билан ҳамбарчас боғлиқ. Яратилган асарлар санъаткорона қалб кечинмалари ва руҳий ҳолатини ўзига хос пластик тил ҳамда рамалар билан тасвирга олинганлиги зийрак томошабинни батамом ўзига ром этади. Унинг картина ва деворий суратлари ҳам рангларнинг бетакдор жилолари, ритм ҳамда пластиканинг жозибadorлиги, ижодкорнинг ўй-кечинмалари кишини бефарқ қолдирмайди.

Таъкидлаш лозимки, мусаввирнинг асарларида ранг ва ечимларнинг ёрқинлашгани, тасвир пластикасининг нафислашгани, маъно-мазмуннинг тейлашгани алоҳида эътиборни тортади. Улар орқали Макон ва Замонни кўрсатмаган ҳолда турмушимиз ҳақида ўй суратган рассом ҳолатини тасаввур қилиш мумкин. Ижодкорнинг бой маънавий оламни, ҳаётий тажрибаларини, инсонни қўлғу заминда яшаш сир-синуоти тўғрисидаги мушоадаларини ранг-тасвир орқали ҳис қиласиз.

Кўргазмага қўйилган “Осмон ва замин иттифоқи”, “Оқ тун мўъжизалари”, “Наврўзи ривоят” ва “Уйғулаш-иш сари эврилиш” туркумидаги асарлари мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, муаллифнинг сара асарлари жамланган китоб тақдими-ти маросими ҳам мухлисларга манзур бўлди.

Ўз мухбирларимиз.

✓ Яхшилар ёди

АРДОҚЛИ ЎҒЛОН
ЭДИ У...

Қўқор Ҳамидов ҳаёт бўлганида бугун 51 ёшга тўлган бўларди. Шавқатсиз ўлим уни орамиздан жуда эрта олиб кетди. У узоқ йиллар Каттакўрғон, Пахтачи, Нарпай туманлари ички ишлар бўлимларида фидокорона меҳнат қилди. Адолатни қарор топтириш, жиноятларни очиб, жиноятчиларни излаб топиш, тергов ишларини пухта олиб боришда жонбозлик кўрсатиб, ҳамкасблари ва

раҳбарият олдида обрў-эътибор қозонди.

Эл-юртга садоқатли хизмат кўрсатганлиги тўғрисида оддий ҳукушуносликдан милиция полковниги даражасига етишди. 1996 йилдан то умрининг охирига қадар Каттакўрғон тумани ички ишлар бўлими тергов бўлимида бошлиги лавозимда ишлаб, ўзини фидойи, ҳақсиз, жасур ходим сифатида намойн эди.

Қўқор Ҳамидов ҳаётда камтар,

ширинсўз, ҳазил-мutoйибани севган, садоқатли ва меҳрибон инсон эди. У иш жойида ҳам маҳалла ва давраларда ҳам бировнинг кўнглини оғритмас, аксинча кўнглини кўтариб, руҳлантиришни яхши кўрар эди. Оила бошлиги сифатида меҳрибон ота эди.

Қадрдон дўстимиз бугун орамизда йўқ. Аммо унинг ёрқин хотираси қалбимизда. Эл-юртга қилган хизматларини эслаб, ҳаётда ўчмас из қолдириб кетганидан ва яхши инсон сифатида эслашимизнинг ўзиёқ унинг учун иккинчи умр, деб кўнглимизга таскин берамиз, холос.

Эшмамат ХУШНОВ,
Каттакўрғон тумани.

✓ Ватан – сажлағоҳ

БИР СИҚИМ ТУПРОК

Бир қафт тупрок... унинг салмоғи қандай?

Болалигимда америкалик ҳиндулар ҳаёти тасвирланган “Оқ бўрилар” фильмининг роса мириқиб томоша қилардим.

Шу фильмдаги бир манзара меннинг тасаввуримда муҳрланиб қолган. Жиноятчилар тўдасининг бошлиги ўйрилган қурол-ярқ билан ҳинду қабилиси йўлбошчисининг ҳузурига келади. Улар гулхан атрофида суҳбатлашади:

– Менга ҳар бир қурол учун шунча олтин берасан! – дей-

ди бармоқларида тўппончани ўйнатаиб маккор бошлиқ.

– Ёки олтин эвазига ўз еринини бизга ташлаб кетасан.

Йўлбошчи анча уйга толди, сўнг эгиллиб ердан бир сиқим тупроқ олади:

– Санаб кўр-чи, санабига етасанми? – деди қафтидаги тупроқни кўрсатиб.

– Эсинг жойидами, тупроқни санаб бўларканми? – деди талончи истеҳзоли жилмайиб.

– Модомики бир қафт тупроқнинг санабига етолмас экансан, демак, қабилаимиз-

га тегишли ернинг баҳосини ҳам билмайсан! Эшитиб қўй, Ватан пулга сотилмайди, олчоқ! – деб ўрнидан туриб кетади йўлбошчи.

...Мустақил диёримнинг бир қафт тупроғини қўлимда ардоқлар эканман, ўз-ўзимга пичирлаб дейман: “Бебаҳосан, Ватаним! Сенга зор бўлганлар қанча? Аждодлардан қолган энг муқаддас меросан бизга! Меҳру ҳароратининг юрагим тафтида ҳис қилиб тураман. Шунинг ўзи катта бахт!”

Мурод ДИЛ.

✓ Тиббиёт

ЯККАБОҒЛИК ШИФОКОРЛАР ИБРАТИ



Яккабоғ туманида бугунги кунда 209 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Туманда барча соҳалар қатори тиббиёт соҳасида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётгани аҳоли саломатлигини сақлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 2 октябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш-ни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан қилинган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда.

Бинобарин, бугун туманда 590 ўринли 5 та шифохона, бир сменада 495 нафар киши қабул қилиш қувватига эга 4 та поликлиника, 23 та қишлоқ врачлик пункти, силга қарши курашиш диспансери, 2 та шифоли тез тиббий ёрдам бўлими, туман давлат санитария-эпидемиология назорати ва диагностика марказлари аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларда 328 нафар шифокор ва 1878 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият юритапти.

Шуниси эътиборлики, тумандаги даволаш муассасаларида бўлган кишининг у ердаги саранжом саришталик ва озодликка ҳаваси келади. Даволаш профилактика муассасалари тўлиқ таъмирланиб, “Саломатлик - 2” лойиҳаси талабларига жавоб берадиган ҳолга келтирилди. Осиё тараққиёт банки томонидан 2008 йилнинг биринчи чорағида 42 миллион сўм ажратилиб, тиббиёт муассасалари ва ҚВЛлар замонвий тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифатини оширишда тиббиёт ходимларнинг билим ва тажрибаси муҳим рол ўйнайди. Шунинг эътиборига олинган ҳолда жорий йилда 26 нафар шифокор ва 147 нафар ўрта тиббиёт ходими ўз мутахассисликлари бўйича малакасини оширди.

– Киш тадориғини ёзда кўр, деганларидек, кузги-қишқи мавсумга пухта тайёргарлик кўрдик, – дейди туман тиббиёт

бирлашмаси бошлиги Б.Жўраев. – Шифохоналар тўлиқ иссиқлик манбаи билан таъминланган. Даволаётган беморлар ҳам бундан мамнун. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Тиббиёт ходимларига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани, оиллик-маошларнинг яхшиланиши соҳа ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Яқинда 10 нафар магистрант ва клиник операторлар жамоамизга келиб қўшилгани фикримиз далилидир.

– Вилоят соғлиқни сақлаш бoshқармаси томонидан УЗД, ЭКГ аппаратлари берилгани фўқароларнинг ички касалликларини аниқлашда катта ёрдам берапти, – дея суҳбатимизга қўшилди тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-сон шифохона бош врачси Ойсанам Бобоқуллова. – Шифохонамиз 4 йил давомида тўлиқ қайта таъмирланиб, бюджет ва ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилган маблағлар оқилона сарфланди.

Дарвоқе, Омон Тариқулов, Меҳри Номозова, Инобат Ҳамроева, Мухаммади Алиқулов, Абдусамат Бойиметов, Шомурод Чориев, Раъно Муродова, Элбобо Қўшшаев каби қўли енгил шифокорлар нахот истаб келган беморларнинг ойққа туришига ёрдам бермоқда, кўпчилиكنинг дуосини олмақда.

Тоҳир АБДИНОВ,
“Адолат” мухбири.

Суратда: тиббиёт бирлашмаси фаолиятдан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.

(Газетанинг навбатдаги сони 5 декабрь, жума кўни чиқади).

Омон МУХТОР

МУНОСАБАТ

Хикоя

рингга бошиш қаёқда? Паймон хорғинми, фаромушли эди. Бундан ҳам ўтиб тушгани, мен югуриб боришимни кутгандек, у ўтирган ўрнида кўришгани қўл чўзди... Оғринганини сез-дирмадим. Ундан-бундан гаплашган бўлдим. Кетдим. Бир ҳафта ээилиб – азобланиб юрдим. Қоним қайнаётган эди. Паймон нега бундай қилади, деб ўйлаганим-ўйлаган. Ахир, ўзимга-ўзим бекор инжиётган бадғумон киши бўлиб туюла бошладим. Рўй берган ҳолатни тўғри баҳолаш учунми, балки Паймонни, балки ўзини текшириш учунми, яна боришга қарор қилдим. Бордим. Лекин бу гал ҳам худди аввалги ҳолат қайтарилди...

Икки марта учрашганимда ҳам Паймон ортимдан синик жилмайиб қарагани кўз олдимда муҳрланиб қолган эди. Бунинг энди мағзини чақа бошладим. Боланинг бурни кўтарилибди! У ўз отасини ҳам танимайдиган турр касб этибди! Ма-

зах қилишни кўрмайсизми! Қолаверса, у меннинг қандай одам эканлигини билмагани, мени тушунмаганидан, бу чол қайтиб ўз ўрнини мўлжаллапти, дейгандир-да? Шундан кўрқди шекилли...

Гап узилиб қолди. Айвонга ҳовилиқ юрадиган ҳамшира кириб келди.

– Исмоил ака, Муолажа!

Қўлим ақсар беморларга хос, сал эриниб қурсидан кўзгалди. Ҳамширага эргашиб, ҳонага кириб кетди.

Мен ҳам ўз хонамга кир-

дим.

Уч-тўрт соатдан сўнг айвонга чиқганимда Исмоил ака ўйлабди ўтирарди.

– Гап чала қолди, – дедим.

– Қайси гап?

– Идора. Паймон...

– Ҳа, дарвоқе, – деди у. – Мен жуда хафа бўлган эдим. Худо кечирсин, ҳатто вақтида одамларга меҳрибонлик кўрсатиб соддалик қилганимга ўқинаётгандек ҳам эдим. Инсон наслининг гоҳо оқибатсизлиги, ноқўрлиги менга малол келайтганиди. Назаримда, аввалдан Паймон ҳаётда яхши-ёмонни ажратмаслигига аҳамият бермай адашган эдим...

Қисқаси, ўзим кирган давраларда уч-тўрт ой бу воқеани одамлар орасидаги муносабатга мисол тариқасида, Паймонни тилга олмай, гапириб юрдим. Мен учун бу энди ҳаётимда учраган оддий бир воқеа эди...

– Исмоил ака, тамаки тутатди. Мен ҳам чека бошладим. Ана сукутта чўмиб, ниҳоят у сўзини давом эттирди. –

– Сиз ишлаган йиллари одамларга кўп меҳрибонлик кўрсатган экансиз. Ишдан кетгач, тўхтатиб қўйдингизми?

– Нега? Қўлдан келганча...

– Сиз мисол тариқасида эслаган йигит – Паймон. Шундай эмасми? – тоқатсизланиб савол ташлади Ёқуб.

– Паймон? Уни танийсизми?

– Биз болалиқдан дўстмиз... У раҳбар бўлган кундан бошига қулфат тушди. Ҳалиям каттаконларга раҳмат, уни шу ҳолда ишлатиб туришибди.

– Қанақа ҳолда? – деб сўрадим энди мен тоқатсизланиб.

– У аварияга учраб, икки оёғи тиззасидан кесилган.

Кетайтган йўлимда қотиб қолдим.

Бирдан икки марта учрашганимда ҳам, Паймон ортимдан синик жилмайиб қараб қолгани кўз олдимга келди. Ёй Худойим-е...

Нодон!..

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСІЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАҒОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият –
233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Исмомил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МҲМИНОВ,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жовдатхон ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Қамол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),

Мухаммад АЛИ,
Мамазоир ХҲЖАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Турсунали ҚҲЗИЕВ,
Талъат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланган

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят
руҳсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси – 100

Навбатчи муҳаррир – Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ
Навбатчи – Фарҳод ЭСОНОВ
Саҳифаловчи – Собиржон ТУНҒАТОВ